

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ ҲОМИТХОН**

**ФОСФОГИПС ШЛАМХОНАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ,  
ҲИСОБИЙ АСОСЛАШ УСУЛИНИ ВА БАРПО ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление авторефера докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Файзиев Хомитхон**

Фосфогипс шламхонаси конструкциясини, хисобий асослаш усулини  
ва барпо этиш технологиясини такомиллаштириш..... .... 3

**Файзиев Хомитхон**

Совершенствование конструкции, методов расчетного обоснования и  
технология возведения шламонакопителей фосфогипса..... 29

**Fayziev Khomitkhon**

Improvement of design and methods of analysis and technology of sludge  
collectors for phosphogypsum construction..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ ХОМИТХОН**

**ФОСФОГИПС ШЛАМХОНАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ,  
ҲИСОБИЙ АСОСЛАШ УСУЛИНИ ВА БАРПО ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/T.214 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида ([www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Маджидов Иномжон Урушевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гловацкий Олег Яковлевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Салямова Клара Джаббаровна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Боходиров Азизбек Абдулазизович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги DSc. 27.06.2017. Т. 10.02 рақамли илмий кенгашнинг “\_\_\_” 2018 йил соат \_\_\_ даги мажлисida бўлиб ўтади.(Манзил: 100000, Ташкент ш., Қори – Ниязий кўчаси 39-йй. Тел: (+99871) 237-22-67. Факс: (+99871) 237-38-79,-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин(\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Ташкен ш., Қори Ниязий 39, Тел: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Т.З.Султанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси , т.ф.д.

**А.А.Янгиеев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби , т.ф.д.

**М.Р.Бакиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси , т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кўплаб фосфорли минерал ўғит ишлаб чиқарувчи кимё корхоналари мавжуд бўлиб, уларни чиқиндиларини тўпловчи шламхоналар гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш, уларни дамбаларини баландлиги бўйича кўтариб қуришни янги схемаларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, шламхоналарни эксплуатацион ишончлилигини ошириш, уларни дамбалари мустаҳкамлиги ва турғунлиги ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан Осиё, Европа, Африка, Жанубий Америка, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда шламхона дамбаларини лойиҳалашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш, шламхона иншоотлари самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда шламхона конструкцияларини оптималлаштириш, фосфогипсдан дамба материали сифатида фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш, дамбаларни фосфогипсдан баландлиги бўйича кўтариб қуришни мустаҳкамлиги ва турғунлиги таъминланган схемаларини ишлаб чиқишига йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан шламхона конструкциясини такомиллаштириш, фильтрацияга қарши қурилмалар ва сув олиб кетувчи иншоотларни янги конструкциясини яратиш, дамбаларни фильтрация, мустаҳкамлик ва турғунликка ҳисоблаш усулларини, фосфогипсдан дамбалар қуриш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда шламхоналарни атроф-мухитга заарли таъсирини камайтириш уларни хизмат қилиш муддатини ошириш ва хавфсизлик мезонини ишлаб чиқишига қаратилган кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация обьектлари тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришига ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан фосфогипсдан дамбаларни баландлиги бўйича кўтариб қуришни самарали конструктив ечимларини ҳисобий асослаш ва дамбаларни фосфогипсдан қуриш технологиясини ишлаб чиқишига йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25-сентябрдаги ПҚ-3286-сонли “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23-августдаги 273- сонли “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” ҳамда VIII. “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал ҳом-ашёни қайта ишлаш)” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи<sup>2</sup>.**

Фосфорли минерал ўғит ишлаб чиқариш сифатида ишлатиш ва дамбаларни мустаҳкамлиги ва турғунлигини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан “Konne-Ract (Бельгия), “Kemira Oil”(Финляндия), “Shell International Research matsehappy”(Англия), “Mitsubishi Rayon”(Япония), Кунмин фан ва техника университети, Пекин фан ва технологиялар университети, Пекин металлургия ва тоғ ишлари илмий тадқиқот институти (Хитой), Бутун иттифоқ гидротехника илмий-тадқиқот институти, Бутиниттифоқ сув таъминоти, канализация, инженерлик гидрогеологияси ва гидротехника ишшоотлари илмий-тадқиқот институти, Санкт-Петербург Тоғ институти ва уни қошидаги геомеханика маркази, Санкт-Петербург политехника университети, Минерал ўғитлар ва инсектофункцийлар илмий-тадқиқот институти, Москва табиатдан фойдаланиш Университети, Москва давлат қурилиш университети (Россия Федерацияси), Тошкент кимё технология институти, Тошкент архитектура-қурилиш институтларида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Фосфогипсдан саноат корхоналари ҳомашёси сифатида фойдаланиш, уларни ташиш ва шламхоналарда тўплашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қўйидаги илмий натижалар олинган: фосфогипсдан цемент саноатида, гипсли боғловчи ҳамда олтингуругт кислотаси ишлаб чиқаришда фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган (Кунмин фан ва техника университети, Пекин металлургия ва тоғ ишлари илмий тадқиқот институти, Хитой); фосфогипсдан дамба материали сифатида фойдаланиш мақсадида уни физик-механик ва динамик хоссалари

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи <https://www.oxy.com/>; <https://www.kemira.com>; <https://www.companiess.com/chinahosphogypsumproduct.html>; <http://ec.europa.eu/>; <http://digital.csic.es>; <https://www.patentgentus>; [www.misubishichem-d.co](http://www.misubishichem-d.co); [www.vniig.rushydro.ru](http://www.vniig.rushydro.ru); [www.watergeo.ru](http://www.watergeo.ru); [www.spmi.ru](http://www.spmi.ru); [www.Spbstu.ru](http://www.Spbstu.ru); [www.niuif.ru](http://www.niuif.ru); [www.mgsu.ru](http://www.mgsu.ru) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

аниқланган, дамбаларни консолидация ва чўкиш ҳисоблари такомиллаштирилган (Бутун иттифоқ сув таъминоти, канализация, инженерлик гидрогеологияси ва гидротехника иншоотлари илмий-тадқиқот институти, Россия Федерацияси), фосфогипсни кимёвий-минералогик таркиби, физик-механик хоссалари ва уларни мустаҳкамлик кўрсаткичларини вақт давомида ўзгариш сабаблари аниқланди, юқори намлиқдаги иқлим шароитида фосфогипсдан дамбалар қуриш технологиясини ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург тоғ институти ва уни қошидаги геомеханика маркази, Россия Федерацияси).

Дунёда фосфогипсни шламхоналарда тўпловчи иншоотларни конструкцияси ва ҳисоблаш усули ҳамда барпо этиш технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: фосфогипсни фильтрацияга қарши мустаҳкамлигини аниқлаш ва дренаж қурилмаларини фосфогипсдан ҳимоя қилувчи фильтри донодорлик таркибини танлаш услубини ишлаб чиқиш фосфогипсни атроф-мухитни ифлосланишдан ҳимоя қилувчи фильтрацияга қарши экранларини янги замонавий материалларни қўллаб, чидамли ва мустаҳкам конструкцияларини яратиш; шламхона сув ташлаш ва дренаж қурилмаларини такомиллаштириш; фосфогипс шламхонасини баландлиги бўйича кўтариб қуришни мустаҳкамлигини таъминланган оптимал ва иқтисодий томондан арzon конструктив ечимларини ишлаб чиқиш; фосфогипс чиқиндиҳоналарини хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқиш ва уни тўлгандан кейин беркитиш ва рекультивация қилиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фосфогипсни физик-механик ва динамик хоссаларига оид назарий ва амалий тадқиқотлар Республикамиз ва чет эллардаги: К.М.Блохин, М.Бондаренко, И.Въяков, С.М.Горюнов, В.М.Микунис, Р.Р.Шарипов, Т.Г.Сагдиев, Х.З.Расулов, С.Сайфиддинов, Ю.Н.Частоедов, Э.Ш.Тынчерова, Н.А.Кутепова, Ю.И.Кутепов, Е.С. Кудашев, М.С.Ивочкина каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Шламхонадаги фильтрация жараёнларини, дамбалар мустаҳкамлиги, турғунлиги ва зилзилабардошлигини тадқиқ қилиш, фильтрацияга қарши экранлар янги конструкцияларини яратиш, ўровчи дамбаларни баландлиги бўйича кўтариб қуриш ҳамда шламхона ишончлилик ва хавфсизлик мезонларига оид тадқиқотлар В.П. Недрига, В.М. Павilonский, Н.Н.Розанов, В.Г.Мельник, К.Н.Анахаев, Л.Н.Рассказов, Н.А. Анискин, Г.И. Покровский, А.И.Тейтельбаум, В.С. Истомина, В.В.Буренкова, М.В. Дидович, М.Н.Захаров, И.В. Федоров, В.С.Забавин, В. Н. Бухарцев, В.Н.Жиленков, В.Г.Пантелеев, Д.В. Стефанишин, О.М. Финагенов, С.Г. Шульман, С.В.Сольский, М.П.Павчич, В.Кондратьев, А.С.Цейтлин, Ю.Б.Алейников, Т.Г.Сагдиев, С.М.Горюнов, В.М.Микуниса, Р.Р. Шарипов, М.Р.Бакиев, М.М. Мирсаидов, К.С.Султанов, Э.Ж.Махмудов, И.У. Маджидов, К.Д. Салямова, Т.З.Султонов, А.А. Янгиев ва бошқаларнинг ишларида батафсил ёритилган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқотларга қарамасдан Марказий Осиё шароитида фосфогипсдан бирламчи

дамба ва уни баландлиги бўйича кўтариб қуришда иккиламчи дамба материалы сифатида фойдаланиш масалалари етарлича ўрганилмаган ҳолда қолмоқда. Ушбу дамбаларда фосфогипсни фильтрацияга қарши мустаҳкамлиги (механик ва кимёвий суффозия) катта юклар таъсирида уларни мустаҳкамлиги ва деформацияланиши, дамбаларни баландлиги бўйича кўтариб қуришни ҳар-хил схемаларида асосий ва сейсмик кучлар таъсирида умумий турғунлигини таъминлаш ва фосфогипсдан ўровчи дамбалар қуриш технологияси масалалари етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 13-2001 рақамли «Олмалиқ Аммофос ишлаб чиқариш бирлашмаси фосфогипс шламхонасини лойиҳалаш учун бошланғич маълумотлар ва асословчи материаллар», П-8.26 «Фосфорли минерал ўғит чиқиндиларини тўплашни тежамли усулини ишлаб чиқиши» ва А-5.011 «Фосфорли минерал ўғит чиқиндихоналарини техник ҳолатини баҳолаш ва улардан хавфсизлигни таъминланган ҳолда фойдаланиш ва тўлғандан сўнг беркитиш учун тавсиялар ишлаб чиқиши» мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотни мақсади** фосфогипс шламхонаси конструкциясини, ҳисобий асослаш усулларини ва қурилиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотни вазифалари:**

фосфогипсдан шламхона дамбаларини материали сифатида фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уни физик-механик ва динамик хоссаларини ҳар томонлама ва комплекс аниқлаш;

фосфогипсни тўплаш усулини асослаш ва шламхона дамбаларини баландлиги бўйича кўтариб қуриш схемаларин таъминланганда ишлаб чиқиши;

шламхонадаги фильтрация жараёнлаларини тадқиқ қилиш ва фильтрацияга қарши ва дренаж қурилмаларини ҳар хил конструкцияларида фосфогипсни фильтрация ва сувсизлантиришни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиши;

фосфогипсни фильтрацияга қарши мустаҳкамлигини тадқиқ қилиш ва дренаж қурилмаларини фосфогипсдан ҳимоя қилувчи фильтри донодорлик таркибини танлаш усубини ишлаб чиқиши;

шламхона дамбаларини турғунлик ҳисоблари асосида ишлаб чиқилган конструкциялар ва дамбаларни баландлик бўйича кўтариб қуриш схемаларини асослаш;

фосфогипсни натурада зичлашни тадқиқ қилиш ва фосфогипсдан ўровчи дамбалар ҳамда шламхона фильтрацияга қарши экранларини қуриш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

ўровчи дамбаларни фосфогипсдан баландлиги бўйича кўтариб қурган ҳолда шламхонани лойиҳалаш ва қуриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот обьекти** сифатида Самарқанд, Олмалиқ, Қўқон шахарларидаги фосфорли минерал ўғит ишлаб чиқариш корхоналари шламхоналари олинган.

**Тадқиқот предмети** фосфогипс ва уни физик, механик ва динамик хоссалари, шламхона ўровчи ва бўлувчи дамбалари, дамбалар конструкцияси,

шламхона фильтрация ва мустаҳкамлик ҳисоблари, дамбаларни сейсмик кучларга турғунлиги, фосфогипсдан дамба қуриш технологияси ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида экспериментни математик режалаштириш, математик моделлаштириш, дала ва лаборатория тажрибалари натижаларига статик ишлов бериш ва ҳисоблашнинг компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

фосфогипсни физик-механик ва динамик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда ундан шламхона ўровчи дамбалари материали сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

шламхонадаги фильтрацияга қарши ва дренаж қурилмаларини ҳар хил конструкцияларида фосфогипсни фильтрация ва сувсизлантиришга ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

дренаж қурилмаларини фосфогипсдан ҳимоя қилувчи фильтри донодорлик таркибини танлаш услуби фосфогипсни алоҳида специфик хусусиятларини ҳисобга олиб такомиллаштирилган;

шламхонанинг самарадорлиги ва фойдаланиш давридаги ишончлилигини таъминловчи фосфогипсни тўплаш усули асосланган ва дамбаларни баландлиги бўйича кўтариб қуриш схемалари такомиллаштирилган;

шламхонанинг фильтрацияга қарши мустаҳкамлигини ва дамбалар турғунлигини меъёрий миқдорда таъминлашни ҳисобга олиб, шламхона сув ташлаш ва дренаж қурилмаларини янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

қурилиш районини табиий иқлимий шароитларини ва дамбалар қуришни технологик талабларини ҳисобга олиб фосфогипсни натурада зичлаш тадқиқотлари натижасида, уни тўкиш, зичлаш бўйича ҳисобий параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қўйидагилардан иборат:

шламхона сув ташлаш қурилмасини (IAP 04512, IAP 04513, IAP 05481) ва дренаж-фильтрацияга қарши қурилмасини янги конструкцияси ишлаб чиқилди;

сув ўтказмайдиган экранли (полимер пленкали, асфальт полимер-бетонли), экран устида жойлашган дренаж тизимли ва қияликлари пленкали фильтрацияга қарши экран билан ҳимоя қилинган бирламчи дамбали чиқиндиҳона учун сув мувозанати ва сувсизлантиришни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди;

дренаж қурилмаларини фосфогипсдан ҳимоя қилувчи тескари фильтр донодорлик таркибини танлаш услуби ишлаб чиқилди;

қиялик турғунлигини ҳисоблари натижасида дамбаларни баландлиги бўйича кўтариб қуришни таклиф қилинган схемалари асосланди, ташқи қияликни чегаравий йўл қўйилган миқдори аниқланди, шламхонани баландлиги бўйича кўтариб қуришни оптимал конструктив схемалари танланди;

шламхона фильтрацияга қарши қурилмаларини ва ўровчи дамбаларини фосфогипсдан қуриш технологияси ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳисобий ва назарий маълумотларни солиштириш, назарий механика, физика ва гидромеханиканинг умумий қонуниятларидан, шу билан

бирга, бошқа тадқиқотчиларнинг натижалари билан қиёслаш, ҳамда таклиф этилган конструкцияга патент олинганилиги ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганилиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фосфогипсни ўровчи дамбалар материали сифатида фойдаланиш мумкинлигини назарий ва экспериментал асослаш, фосфогипсни тўплашни конструктив ечимларини ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, чиқиндихонада фосфогипсни сувсизлантиришни ҳисоблаш ва дренаж қурилмаларини фосфогипсдан ҳимоя қилувчи тескари фильтр донодорлик таркибини танлаш усули ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ўровчи дамбаларни фосфогипсдан баландлиги бўйича кўтариб қуришни таклиф этилган схемаларидан фойдаланиш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ва дренаж ва сув ташлаш қурилмаларини янги яратилган конструкцияларидан фойдаланиб уларни ишончлилиги ва хизмат муддатини узайтирилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фосфогипс шламхонаси конструкцияси, ҳисобий асослаш усуллари ва барпо этиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

шламхона сув ташлаш иншооти конструкциясига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (“Шламхона картасидан сув олиб кетувчи қурилма”, №IAP- 04513-2012 й.). Натижада, сув қабул қилгич ва сув чиқарувчи қувурни ифлосланишидан ҳимоя қилишга эришиш, ҳамда сув ўтувчи оралиқни шандорлар ёрдамида тўсишдаги қўлда бажариладиган ишларни амалга ошириш ва қувурни шламдан тозалаш ишларидан озод қилиш ҳисобига шламхонадан фойдаланиш сарф харажатларини 2-3 мартаға камайтириш имкони яратилган;

шламхона сув ташлаш иншоотини конструкциясига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (“Шламхона картасидан сув олиб кетувчи қурилма”, №IAP-05481-2017 й.). Натижада, сув ташлаш қурилмасида дренаж ҳимоясидан фойдаланишда сув қабул қилгич ва сув чиқарувчи қувурни ифлосланишини олдини олиш ҳисобига шламхонадан фойдаланиш сарф харажатларини 2-3 мартаға камайтириш имкони яратилган;

шламхона ўровчи дамбалари такомиллаштирилган конструкцияси “Ўзқимёсаноат” акциядорлик жамияти тасарруфига кирувчи “Самарқандкимё”; АЖ I ва II навбатидаги фосфогипс шламхонаси жорий қилинган. (“Ўзқимёсаноат” АЖнинг 2018 йил 17 январдаги 01/3-238/П-сонли маълумотномаси). Натижада, фосфогипсни қуруқ усулда тўпланган мавжуд ўюмини янги қурилаётган шламхона 1 ва 2 секциялари орасидаги 400 м узунликдаги қисми бўлувчи дамба сифатида қайта ишлов бермасдан саклаб қолиш ва дамбанинг ҳажмини  $424 \text{ м}^3$  га камайтириш имкониятини яратган;

фосфогипс шламхонаси фильтрацияга қарши экранини такомиллаштирилган конструкцияси “Ўзқимёсаноат” акциядорлик жамияти

тасарруфига киравчи “Самарқандкимё” АЖ I ва II навбатидаги фосфогипс шламхонасига жорий қилинган. (“Узкимёсаноат” АЖ нинг 2018йил 17 январдаги 01/3-238/П-сон маълумотномаси). Натижада бўлувчи дамба тубидаги 58.1 м<sup>2</sup>майдондаги фильтрацияга қарши экранни яроқлилигини асосланган ҳолда сақлаб қолиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги 15 та анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиянинг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 мақола, 1та монография нашр қилинган ва 3 та ихтирога патентлар (№ IAP04512, № IAP04513, № IAP05481) олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қолиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фосфогипс шламхонасини лойиҳалаш ва қуриш бўйича нашр этилган адабиёт материалларини таҳлили**» деб номланган биринчи бобида фосфогипс шламхонасини лойиҳалаш ва қуриш бўйича нашр этилган маълумотларни қисқача шарҳи келтирилган. Фосфогипсни ташиш ва тўплашни мавжуд усулларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишлари бажарилган. Шламхона конструкцияси бўйича тўпланган маълумотлар умумлаштирилган. Фосфогипсни физик-механиқ, динамик ва фильтрацияга оид хоссалари бўйича бажарилган ишлар таҳлил қилинган.

Саноат чиқиндиларини ташиш ва тўплаш хар хил усулларда амалга оширилади, жумладан: автомобил транспорти орқали, гидравлик тизим ёрдамида лентасимон конвейр ва осма йўл биргаликда.

Замонавий шароитда фосфогипсни ташиш ва тўплаш самарадорлигини оширишнинг энг келажаги порлоқ йўлларидан бири, бу фосфогипсни ташиш ва тўплашда гидравлик усулдан фойдаланиш ва дамбаларни фосфогипсдан баландлиги бўйича кўтариб қуриш ҳисобланади. Гидравлик усулни мавжуд бошқа усулларга нисбатан афзаллигига, уни арzonлиги, технологиклиги,

фойдаланишдаги қулайликлари ва бошқаларни киритиш мүмкін. Масалан, қатор лойихаланған обьектларда қуруқ усулда түплашни гидравлик усулда түплашга нисбатан таққослаганда капитал харажатлар ва фойдаланиш сарф харажатлари иккінчи усулда бириңчисига нисбатан 1,2-1,5 марта кам эканлиги маълум бўлди.

Фосфогипсни гидравлик усулда ташиш дунёни қатор мамлакатларида (АҚШ, Франция, Белгия ва б.) муаффақиятли жорий этилмокда. МДХ давлатларида фосфогипсни гидравлик усулда ташишдан Череповец, Волхов, Чоржўй, Краснодар кимё заводлари ва Жамбул суперфосфат заводида қўлланиб келинмокда. Бизнинг Республикаизда фосфогипсни ушбу усулда ташишдан Самарқанд кимё завода қўлланилган.

Диссертациянинг **«Фосфогипсни таркиби ва хоссаларини тадқиқ қилиш»** деб номланган иккінчи бобида фосфогипсдан шламхона ўровчи дамбаларини қурилиш материали сифатида фойдаланиш мүмкинligини аниқлаш мақсадида, уни кимёвий таркиби, физик-механик ва динамик хоссаларини комплекс ўрганиш натижалари келтирилган.


Фосфогипс бу фосфорли минерал ўғит ишлаб чиқаришда фосфор кислотасини экстракция қилишдаги (ЭФК) иккиламчи хом ашё (чиқинди) ҳисобланади. Корхонада ЭФК қилишни белгиланган режимига кўра фосфогипс иккигидратли ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) ва ярим гидратли ( $\text{CaSO}_4 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ) бўлади. Фосфогипсни ювиш ва ундаги моддаларни заарасизлантириш даражасига кўра нордон ( $\text{PH}=2 \div 5$ ), нейтраллаштирилган ( $\text{PH}=5 \div 7$ ) ва сувда эрувчи  $\text{P}_2\text{O}_5$  в.р қисми ювилган бўлади.

Фосфогипс майда заррали деярли бир жинсли кулранг-оқ, заводдан чиқиши жойида юқори намлилка эга бўлган ( $W=37\text{-}43\%$ ) материал. Чиқиндини асосий элементи икки сувли сульфат кальция ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) бўлиб, массаси бўйича 86-94% оралиқда ўзгаради. Чиқинди таркибига ундан ташқари яна унча катта бўлмаган миқдорда енгил эрийдиган тузлар (1,3-1,4%) ва эримайдиган тузлар (5-13%) хам киради.

Фосфогипс таркибидаги енгил эрийдиган тузлар миқдори ҚМК 2.06.05-98 да дамба материали сифатида фойдаланилаётган грунтлар учун ўрнатилган миқдордан (5%) юқори эмас.

Фосфоритли ва апатитли хом ашёдан олинадиган фосфогипсни ўртача кимёвий ва гранулометрик таркиби келтирилган. Уларни таҳлили шуни кўрсатдики, фосфоритли фосфогипсни юмшоқлиги юқори, уни миқдори қумли гил ва гилли қум юмшоқлигига яқин. Апатитли фосфогипс юмшоқлик хоссасига эга эмас. Уларни боғланмаган грунтларга киритиш мүмкін.

Фосфогипсни физик-механик характеристикалари скелет ҳажм оғирлиги  $\rho_d$  ва сув шимувчанлиги  $G$ , уни иккита ишчи ҳолати учун аниқланган. Ушбу параметларни ўзгариш оралиғи: гидроюмда  $\rho_d=920\text{-}1260 \text{ кг}/\text{м}^3$  ва  $G=1$ , дамба танасида  $\rho_d=1230\text{-}1400 \text{ кг}/\text{м}^3$  ва  $G=0,5\text{-}0,95$ . Фосфогипс заррачаларини зичлиги  $\rho_s=2300\text{-}2400 \text{ кг}/\text{м}^3$ , максимал молекуляр намлиги  $W_{\text{м.в.}}=22\text{-}25\%$ , тўлиқ сув сиғими  $W_{\text{п.в.}}=50\text{-}58\%$ , сув берувчанлик коэффициенти  $\mu=0,6\text{-}2\%$ .



**1-расм. Иккисувли фосфогипсни ғоваклик коэффициенти  $\varepsilon$  юк  $\sigma$  га боғлиқлик графиги.**

1-нейтрализацияланган фосфогипс ( $\rho_d=920-1000 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=1$ );  
 2- нейтрализацияланган фосфогипс ( $\rho_d=1150-1180 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=1$ );  
 3-нордон фосфогипс ( $\rho_d=960-1000 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=1$ );4-нордон фосфогипс ( $\rho_d=1130-1150 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=1$ );5-нордон фосфогипс ( $\rho_d=1200-1260 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=1$ );6-ювилган фосфогипс ( $\rho_d=1000 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=1$ );  
 7- ювилган фосфогипс ( $\rho_d=1250 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=1$ ); 8-нордон ва нейтрализацияланган фосфогипс ( $\rho_d=1310 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=0,5-0,95$ );  
 9-ювилган фосфогипс  $\rho_d=1380-1430 \text{ кг}/\text{м}^3 ; G=0,5-0,95$ )

**Фильтрация коэффициенти.** Тадқиқ қилинган фосфогипсни фильтрация коэффициенти  $\rho_d=1200 \text{ кг}/\text{м}^3$  микдорида  $\kappa_\phi=8,4 \cdot 10^{-5} \text{ см}/\text{с}$  ташкил қилади ва  $\rho_d=1400 \text{ кг}/\text{м}^3$   $\kappa_\phi=2,1 \cdot 10^{-5} \text{ см}/\text{с}$  гача камаяди.

Фосфогипсни компрессион хоссасини тадқиқ қилиш учун тадқиқотларда экспериментлар сонини камайтириш имкониятини берувчи, экспериментни математик режалаштириш услубидан фойдаланилди.

Дастлаб тажриба тадқиқотлари асосида  $z_i$  факторни даражасини белгилаш учун компрессия эгри чизигини учинчи даражали полином кўринишидаги регрессия тенгламаси тузилди:

$$\bar{\varepsilon} = a_0 + a_1 \sigma + a_2 \sigma^2 + a_3 \sigma^3 \quad (1)$$

бунда:  $\bar{\varepsilon}$  - ғоваклик коэффициенти;  $a_i = a_0, a_1, a_2, a_3$  – тадқиқ қилинаётган фосфогипсни турига ва уни ишчи ҳолатига боғлиқ бўлган полиномлар коэффициентлари.

Фосфогипсни гидроотвалда деформацияланиши учун қуидаги регрессия тенгламасига эга бўлинди:

$$\ell_{ne} = 0,7 \ell n \sigma - 2.02 - 0.32 z_1 - 0.43 z_2 \quad (2)$$

фосфогипсни дамба танасидаги ҳолати учун эса регрессия тенгламаси қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$\ell_{ne} = 0,82 \ell n \sigma - 2,2 - 0,092 z_1 - 0,401 z_2 \quad (3)$$

бунда:  $z_1 = \rho_d 1230-1360 \text{ кг}/\text{м}^3$  оралиғда ўзгаради,  $z_2 = P_2 O_5 0-0,5 \%$  оралиғда.

Ғоваклик коэффициенти  $\varepsilon$  билан юк  $\sigma$  орасидаги боғланиш графиги 1-расмда келтирилган. Зичланиш коэффициентини микдори босим микдори ортганда ғоваклик коэффициентини камайишига олиб келувчи  $a = \Delta \varepsilon / \Delta \sigma$  нисбатдан аниқланади.

Фосфогипсни деформацияланишига оид тадқиқот натижалари шуни кўрсатдик, гидроуюмда уни ўртача сиқилувчанликка эга бўлиб, уни чўкиш модули  $\ell_e=5,5-1,42 \text{ мм}/\text{м}$  ва умумий деформация модули  $\sigma=0,5 \text{ МПа}$  да -  $E=6,4-11 \text{ МПа}$  оралиқда ўзгаради (II категория). Тўғон танасида максимал зичликда ва оптимал намлиқда  $W_{opt}$  ётқизилган фосфогипс унча катта бўлмаган чўкиш

модели  $\ell_0=4,7-5,5$  мм/м ва умумий деформация моделига  $E=15-21$  МПа эга, бу эса уни кам сиқилювчанлигини күрсатади (I категория).

Стандарт зичлаш усулида фосфогипсни оптималь намлиги  $W_{\text{опт}}$  ва қуруқ ҳолатдаги максимал зичлиги  $\rho_d$  аниқланди, уни натижалари 2-расмда келтирилган.

Ушбу натижаларни таҳлили шуни күрсатдик, тадқиқ қилинган фосфогипсни  $1350-1450$  кг/м<sup>3</sup>га тенг бўлган қуруқ ҳолдаги максимал зичлигига  $\rho_d$  уни 20-28 % намлигига эришилар экан. Ушбу намлик оралиғи оптималь намлик  $W_{\text{опт}}$  деб қабул қилинади. Намликни ушбу 28% миқдордан ортиши  $\rho_d$  камайишига олиб келади.


Фосфогипсни силжишга бўлган қаршилигини ўрганиш масаласи икки сувли фосфогипсни  $P_2O_5$  в.р. таркибини юқори ва пастки миқдорларидаги икки хил типи учун алоҳида кўрилди: а) нордон ва нейтрализацияланган ( $P_2O_5$  в.р. 0,5% гача); б) ювилган  $P_2O_5$  (0%).

Фосфогипс уни иккита ишчи ҳолати учун: сувга тўйинган  $G = 1$  ва нам ҳолатида  $G = 0,25-0,86$  тадқиқ қилинди.

Эксперимент зичлик ўзгаргандаги нам фосфогипс учун чизиқсиз боғланишни қидирувчи бир факторли қилиб қўйилди:

$$y = a_0 + a_1\rho + a_2\rho^2 + a_3\rho^3 \quad (4)$$

бунда:  $y$  - ( $\varphi$  ёки  $c$ ) фосфогипсни ички ишқаланиш бурчаги ёки солишишторма боғланиш кучи;  $\rho$  - ( $\rho_d$ ) скелет хажм оғирлиги.



1-  $P_2O_5$  в.р.дан ювилган Олмалик фосфогипси (сарфланган иш  $A=1,06$  кДж); 2-Самарканд фосфогипси; а-дастлабки( $A=1,06$  кДж)в и с-нейтрализацияланган  $A=1,06$  кДж ва  $A=0,55$  кДж.

## 2-Расм.Фосфогипсни зичланиши.

Мисол тариқасида Олмалик фосфогипсини  $P_2O_5$  в.р.дан ювилган  $v=5$  ва  $\rho_d = 1400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган миқдорлари учун силжишга тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Ҳисоблашлар натижасида регрессия ишончли тенгламасини қўйидаги якуний боғланишига олиб келди:

$$\hat{\tau} = 0,056 + 0,866\sigma \quad (5)$$

бунда:  $C=0,056$  МПа,  $\varphi=41^0$ .

3-расмда  $\tau$  ва  $\hat{\tau}$  ларни тажриба натижасидаги ва ҳисобий боғланишлари келтирилген.

Ички ишқаланиш бурчаги ва боғланиш кучини ҳисобий микдорлари фосфогипсни ишончлилик оралигини қуи чегарасида хавфсизлик коэффициентини ҳисобга олиб қабул қилинган. Қуидаги регрессия тенгламалари олинган:

Нордон ва нейтрализацияланган фосфогипс учун:

$$C_p = 1,943 \cdot 10^{-2} - 8,83 \cdot 10^{-5} \rho + 1,03 \cdot 10^{-7} \rho^2 - 1,15 \cdot 10^{-11} \rho^3 \quad (6)$$

$$\phi_p = 275 - 5,81 \cdot 10^{-1} \rho + 4,24 \cdot 10^{-4} \rho^2 - 9,12 \cdot 10^{-8} \rho^3.$$

$P_2O_5$  в.р. дан ювилган фосфогипс учун:

$$C_p = 0,625 - 1,26 \cdot 10^{-3} \rho + 0,782 \cdot 10^{-6} \rho^2 - 1,26 \cdot 10^{-10} \rho^3 \quad (7)$$

$$\phi_p = 87,6 - 8,4 \cdot 10^{-2} \rho - 3,97 \cdot 10^{-6} \rho^2 + 2,79 \cdot 10^{-8} \rho^3$$

Ушбу (7 ва 8) тенгламалар бўйича олинган натижалар боғланиш графиги 4-расмда келтирилган.

Фосфогипсни мустаҳкамлик характеристикалари  $\phi_p$  ва  $C_p$  қуидагича: нейтрализацияланган, дастлабки ва  $P_2O_5$  в.р. ювилган фосфогипсларда  $\rho_d$  ва  $W$  мос қийматларида бир-бири билан таққослаш мумкин. Фосфогипс гидроуюомида  $\rho_d=850-1250$  кг/м<sup>3</sup> бўлганда  $\phi=26^0$ ,  $C=0,01$  МПа ва  $\rho_d>1250$  кг/м<sup>3</sup> бўлганда-  $\phi=26^0$ ,  $C=0,02$  МПа. Дамбалар учун нейтрализацияланган ёки дастлабки фосфогипсни 1300-1360 кг/м<sup>3</sup> зичлиқда оптимал намлиқдаги  $W_{opt}$  мустаҳкамлик хоссаларини  $\phi=35^0$ ,  $C=0,04$  МПа деб қабул қилинади.


Фосфогипсни мустаҳкамлик хоссаларини ундағи  $P_2O_5$  в.р. ювиш ҳисобига янада яхшироқ зичлаб ошириш мумкин. Ювилган фосфогипсни ҳисобий характеристикаларини микдори уни зичлиги  $\rho_d=1400-1450$  кг/м<sup>3</sup> ва  $W_{opt}$  бўлганда  $\phi=43^0$ ,  $C=0,06$  МПа ташкил қиласди.

Фосфогипс ва грунтни мустаҳкамлик характеристикаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатди,  $\phi_w$  бўйича уни микдори гилли грунтга нисбатан  $15-20^0$  юқори,  $C_w$  бўйича эса гилли грунтга яқин.

Фосфогипсни динамик хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар экспериментал йўл билан олиб борилди. Сувга тўйинган фосфогипсни таркибини динамик бузилишини баҳолаш мезони қилиб критик тезланиш усулидан фойдаланилди. Сувга тўйинган фосфогипсни тебранма зичланиши ва тебранма ёпишқоқлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар горизонтал ҳаракатланувчи тебранма стендга ўрнатилган ўлчамлари 20x20x40см бўлган одометрда ўтказилди. Динамик таъсир параметрлари қуидаги оралиқда ўзгаради: силжиш амплитудаси 1-4мм; тебраниш частотаси-2-20Гц; тезланиши-50-500см/с<sup>2</sup>, таъсир қилиш муддати 5-60с ва ундан кўпроқ.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, таъсир интенсивлиги ортиши билан фосфогипсни ётқизиш зичлигини микдори аста секин ортиб боради.


Белгиландики, тебраниш частотаси амплитудага нисбатан тебранма зичланиш жараёнига кўпроқ таъсир қиласди. Динамик таъсир муддати ушбу жараёнга сезиларли таъсир ўтказади.



**3-расм.  $P_2O_5$ в.р. дан ювилган  
 $\rho_{ск} = 1400$ кг/м<sup>3</sup> бўлгандаги  
Олмалиқ фосфогипсни учун  
тажриба<sub>т</sub> ва ҳисобий  $\hat{\tau}$  боғланиш  
графиклари.**

а) тажриба: 1- $W=20\%$ ,  $C=0,07$ МПа,  $\varphi=44,6^0$ ; 2-  
 $W=25\%$ ,  $C=0,069$ МПа,  $\varphi=41,2^0$ ; 3-  $W=22\%$ ,  
 $C=0,038$ МПа,  $\varphi=43,2^0$ ; 4-  $W=15\%$ ,  $C=0,068$ МПа,  
 $\varphi=36,1^0$ ; 5-  $W=24\%$ ,  $C=0,053$ МПа,  $\varphi=37^0$ .

б) ҳисобий 6-  $\hat{\tau}=0,056+0,866\sigma$ .



**4-расм. Икки сувли фосфогипсни  
ҳисобий характеристикалари  $\varphi_p$  ва  
 $C_p$ . 1-нордон ва нейтрализацияланган;  
2-  $P_2O_5$  дан ювилган.**

Фосфогипсни зичлиги ортиши билан динамик мустаҳкамлиги ҳам ортади. Тебраниш тезланиши ошиши билан фосфогипсни жойлашиш зичлиги ортади ва у аста секин ўзини максимал мумкин бўлган миқдорига яқинлашади.

Тебраниш амплитудасини кичкина миқдорида сувга тўйинган фосфогипс динамик таъсирга камроқ чидамли бўлади.

Тебранма ёпишқоқлик сувга тўйинган фосфогипсни унга динамик таъсир бўлганда хоссаларини характеристрайдиган кўрасткичларидан бири ҳисобланади ва тебранма ёпишқоқлик коэффициенти  $\eta$  билан ифодаланади.

Тебранма ёпишқоқлик коэффициентини бошланғич зичлик, намлик ва агрегат ҳолатига кўра ўзгариши ўрганилди. Уни натижалари шуни кўрсатдик, намлик миқдорини 13 дан то 22% гача бўлган оралиғида тебранма ёпишқоқлик ортади ва оптимал намлиқда ўзини энг юқори миқдорига етади, сўнгра намлик яна ортиши билан камаяди, ва охир оқибатда фосфогипсни динамик мустаҳкамлигини камайишига олиб келади. Агрегат ҳолатини тебранма ёпишқоқликка таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдик, эланган фосфогипсни тебранма ёпишқоқлиги, таркибий боғланиши яхши бўлгани ҳисобига, эланмаганга нисбатан кўпроқ экан.

Фосфогипсни қуйқаланиш жараёнини параметлари миқдори юқорида келтирилган тебранма стендда динамик таъсир орқали ўрганилди.

Фосфогипсни қуйқаланиш жараёнини тадқик қилиш натижалари шуни кўрсатдик, миқдори бўйича унча катта бўлмаган динамик таъсирда уни тўлиқ қуйқаланиши юз беради. Яъни, масалан,  $\rho_d = 1,23$  г/см<sup>3</sup> зичликда ётқизилган фосфогипс учун уни тўлиқ қуйқаланиши  $z=16,5$  см қатлам учун  $\omega=540$  см/с<sup>2</sup>,  $z=28,5$  см ли қатлам учун эса  $\omega=670$  см/с<sup>2</sup> бўлганда юз беради.

Сувга тўйинган( $G=0,8-0,96$ ) фосфогипсда ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдик, динамик босим  $h_z$ ни ҳосил бўлиши бизни тажрибада динамик

куч қўйилганидан 3-15 с кейинги оралиқга тўғри келади. Умуман ушбу ходиса таъсири интенсивлигига, фосфогипсни зичлигига ва ташқи юқ таъсирига боғлиқ бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, динамик босимни фосфогипс қатлами баландлиги  $z$  га нисбати (фосфогипсни ётқизиш зичлиги  $\rho_d = 1,25 \text{ г/см}^3$  бўлганда) тебраниш тезланишига кўра қуидагида ўзгаради:

Интенсивлик

| I (балл)                         | 7        | 8       | 9       | 10      |
|----------------------------------|----------|---------|---------|---------|
| тезланиш                         |          |         |         |         |
| $\omega$ (65 см/с <sup>2</sup> ) | 50-100   | 100-200 | 200-400 | 400-600 |
| Ортиқча нисбий                   |          |         |         |         |
| босим $h_z/z$                    | 0,05-0,1 | 0,1-0,2 | 0,2-0,9 | 0,9-1,0 |

Диссертацияни «**Фосфогипс шламхонаси конструктив ечимларини тақомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида Фосфогипс шламхонасини баландлиги бўйича кўтариб қуриш схемалари ва усувлари келтирилган.

Фосфогипсни сув ёрдамида ташиш ва тўплашни иккита усули кўриб чиқилган: I- маълум усул бўлиб бунда чиқинди бевосита шламхонага тўкилади ва унда қаттиқ заррачалар чўкиб қолади ва тинган сув қайта айланма сув таъминотида ишлатилади.

II-фосфогипсни тўплашни ушбу усули иншоотлари таркиби, чиқиндини сув билан ташиш тизими ва фильтрацияга қарши ва дренаж қурилмалари билан жиҳозланган грунтдан ёки маҳсус материалдан барпо этилган бирламчи дамбани ўз ичига олган гидроуомдан иборат бўлиб, у биринчи усулдан шуниси билан фарқ қиласиди, бунда қуйқа шаклида ташилаётган чиқиндини бир қисми тўплаш учун бевосита гидроуомга ва қолган қисми эса сувсизлантириш бўғини ва ундан сўнг қуритиш майдончасига юборилади. Вақтинчалик қуритиш майдончасида оптимал намлиkkача қуритилган фосфогипсдан дамба қуриш материали сифатида фойдаланилади. (5-расм).

Чиқиндиларни сув билан тўплаш амалиётида шламхона дамбаларини баландлиги бўйича кўтариб қуришни хар хил схемаларидан фойдаланилмоқда. Улардан асосийси қилиб қуидагилар қабул қилинган: ички (B)-I, марказий (Ц)-II ва ташқи (Н)-III (6-расм). Маълум бир шароитларда ушбу схемаларни аралашмасидан ҳам фойдаланиш мумкин, масалан: ички-марказий (ВЦ)-IV, марказий-ички (ЦВ)-V, ташқи-ички (НВ)-VI, ички-ташқи (ВН)-VII, марказий-ташқи (ЦН)-VIII ва ташқи-марказий (НЦ)-IX, (7-8 расмлар). Барча схемаларда қуидаги белгилашлар киритилган: 1-бирламчи ўровчи дамба; 2-иккиламчи дамбалар; 3-фильтрацияга қарши экранлар; 4-фосфогипс гидроуоми; 5-ҳовузча; 6-депрессия эгри чизиги; 7-контурли дренаж; 8- шламхона замини.

Қайд этилган схемалардан қайси бирини, ҳамда шламхонани кўтариб қуриш баландлигини танлаш масалалари дамбалар ташқи қиялиги тургунлиги ҳисоблари ва уларни параметрларини техник-иктисодий тақослаш натижаларини таҳлил қилиш орқали танлаб олинади.

Фосфорли минерал ўғит шламхоналарида ер ости ва ер усти сув манбаларини фосфогипс таркибидаги зарарли моддалар (фторидлар,


фосфатлар, сульфатлар) томонидан ифлосланишидан ҳимоя қилиш мақсадида, иншоотни ишончли ишлашини таъминлайдиган ва оқова сувларни чиқиб кетишини түлиқ бартараф этадиган фильтрацияга қарши қурилмалар мажмуасидан фойдаланилмоқда.

Фосфогипс шламхоналарида уни бутун майдонини экран билан түсувчи ва экран устида жойлашган дренажларнинг ҳар хил схемаси: қатламли, банкет тизимли (дренажлар орасидаги масофа 25-40 м бўлган), комбинацияли дренажлардан иборат бўлган фильтрацияга қарши қурилмалардан кенг фойдаланилмоқда. Дамбаларни ташқи томонга кўтариб қуриш схемасида дренажлар тизими яна контурли банкетли дренажни такомиллашган кўринишидан ёки ички томонга кўтариб қуриш схемасида қувурли дренаждан фойдаланишни кўзда тутади.

Сейсмик районларда жойлашган шламхоналарда фильтрацияга қарши экран сифатида қалинлиги  $\delta=0,02$  мм бўлган икки-уч қават полиэтилен плёнкадан фойдаланиш тавсия қилинади.


Биз томонидан шламхона дренаж-фильтрацияга қарши қурилмасини янги конструкцияси ишлаб чиқилди (А.С.№172555). Ушбу конструкция шламхонадан фильтрация натижасида сизиб чиқаётган саноат оқоваларини самарали тутиб қолиш имкониятини яратади. Ушбу қурилмадан фойдаланиш шламхона учун ажратиладиган ер майдонини камайтиради ва унга сарфланадиган капитал маблағлар миқдорини ва қурилиш муддатини қисқартиради.

Сув ташлаш қурилмасини янги конструкцияси ишлаб чиқилди (IAP 04512, IAP 04513, IAP 05481). Ушбу қурилма сув қабул қилгич ва сув чиқарувчи қувурни ифлосланишидан ҳимоя қиласи, ҳамда сув ўтувчи оралиқни шандорлар ёрдамида тўсишдаги кўлда бажариладиган ишларни бажариш ва қувурни шламдан тозалаш ишларидан озод қиласи, бу эса битта шламхонада ундан фойдаланиш сарф харажатларини 2-3 мартаға камайтиради.




**5-расм. Фосфогипсни сув билан тўплаш усули ва шламхонани конструктив схемалари.**


I – уюмдаги фосфогипсдан дамба қуриш; II – сувсизлантирилган фосфогипсдан дамба қуриш; шламхонани баландлиги бўйича кўтариб қуриш вариантлари: а) ташқи, б) ички, дренаж тизими билан кучайтирилган в)ички, ярусли фильтрацияга қарши қурилмали.



**6-расм. Шламхонани құтариб қуришни асосий схемалари.**



**7-расм. Шламхонани құтариб қуришни комбинациялы схемалари.**



**8-расм. Шламхонани құтариб қуришни комбинациялы схемалари.**

Диссертацияни «**фосфогипс шламхонасадаги фильтрацияга оид жараёнларни тадқиқ қилиш**» деб номланган түртінчи бобида **шламхонадаги фильтрация жараёнларини тадқиқ қилиш натижалари** ва фильтрацияга қарши ва дренаж қурилмаларини ҳар хил конструкцияларда фосфогипсни сувсизлантириш ва фильтрацияни аниқлаш услуги келтирилган.

Фильтрацияга қарши экранлы (полимер плёнкали, асфальт полимербетонли), дренаж устида жойлашган дренажли ҳамда қиялиги полимер плёнкали фильтрацияга қарши экран билан қопланган бирламчи дамбали шламхонани мувозанат ва сувсизлантириш ҳисобларини назарий асослари келтирилган.

Ховузчадаги суюқлик тинган, шлам қатлами сиқилмайды деб фараз қиласыз. Шламхонани түлдириш иккі босқиңда амалға оширилади: биринчи босқиңда берилған  $h_0$  чүкүрликдаги ховузча ҳосил бўлади; иккинчи босқиңда ховузчадаги сув чүкүрлиги  $H_0$  сув ташлаш қурилмалари ёрдамида бир хил ушлаб турилади.

Қуйқани шламхонага оқизиши уни бутун периметри бўйлаб бир текисда ва бир хил сарфда амалға оширилади. Шлам қалинлиги  $z_1(t)$ , ховузчадаги сув чүкүрлиги  $h_0(t)$ , сув ташлаш қудуғи орқали олиб кетиладиган фильтрация сувларини солишиштірма сарфи  $q_0(t)$ , фильтрация сувлари солишиштірма сарфи  $q_\phi(t)$ , шламхона картасини тўлиш муддатини аниқлаш учун қуйидаги тенгламалар системасидан фойдаланамиз:

Массани сақлаш:

$$q = \frac{dh_0}{dt} + \frac{dz_1}{dt} + q_\phi + q_0 + \varepsilon, \quad \varepsilon = \varepsilon_u - \varepsilon_0 \quad (8)$$

Қаттиқ заррачаларни чўкиш динамикаси:

$$\frac{dz_1}{dt} = \alpha q, \quad \alpha = \frac{c}{\gamma_2(1 - n_1)}, \quad \frac{c}{\gamma_2} = \frac{\eta_{B,K}\gamma^*}{1 + \eta_{B,K}\gamma^*}, \quad \gamma = \frac{\gamma_1}{\gamma_2} \quad (9)$$

Шлам қатламидаги фильтрация:

$$q_\phi = K_1 \cdot \frac{h_0 + z_1}{z_1} \quad (10)$$

бунда:  $q$ - қуйқани солишири мақори, м/сут;  $\varepsilon_{i,0}$ - буғланиш ва ёғин модели, м/сут;  $c$ - қуйқадаги қаттиқ заррачалар концентрацияси, кг/м<sup>3</sup>;  $\gamma_1, \gamma_2$ - сув ва фосфогипсни солишири мақори, кг/м<sup>3</sup>;  $\eta_{B,K}$ - қуйқани мақорлик бўйича консистенцияси;  $K_1$ - фосфогипсни фильтрация коэффициенти, м/сут;  $n_1$ - фосфогипсни ғоваклиги.

Шлам қатламини қалинлигини  $z_1(t)$  ўзгаришини қуйидаги боғланишдан аниқланади:

$$z_1 = \alpha \cdot q \cdot t \quad (11)$$

(11) тенгламадаги  $z_1(t)$  (10) тенгламага қўйиб, сўнгра  $q_\phi(t)$  ва  $z_1(t)$  (8) қўямиз. Бунда 1-тартибли бир жинсли дифференциал тенглама ҳосил бўлади.

$$\frac{dh_0}{dt} - (1 - \alpha)q + \varepsilon + \frac{K_1 h_0}{\alpha q t} = 0 \quad (12)$$

Ушбу тенглама  $t=t_H$  ва  $h_0=0$  бўлганда қуйидаги хусусий ечимга эга:

$$h_0 = c_1(t - t_H) \quad c_1 = \frac{[(1 - \alpha)q - \varepsilon - K_1] \alpha}{K_1 + \alpha} \quad (13)$$

бунда:  $t_H$ - пленка устидаги ҳимоя қатламини сувга тўйиниш муддати. Уни қуйидаги тенглиқдан аниқлаймиз:

$$t_H = \frac{V_B}{Q_B}, \quad V_B = m \cdot S_i \cdot n_0, \quad Q_B = (1 - \alpha)Q_n \quad (14)$$

Бунда:  $V_B$ - қалинлиги  $m$ , ғоваклиги  $n_0$ , замин майдони  $S_i$  бўлган қатламни сувга тўйиниши учун сарф қилинадиган сув ҳажми;  $Q_B$ - келиб тушаётган суюқлик сарфи;  $Q_n$ -қуйқа сарфи;  $z_1(t)$ - шлам қалинлиги ва ҳовузчадаги сув чуқурлиги тўғри чизиқли қонун бўйича ўзгаради.

Ҳовузчани тўлиш жараёнида, яъни биринчи босқичда, фосфогипс қатлами орқали фильтрацияланадиган солишири мақори (10) тенгламадан (11) ва (13) ларни ҳисобга олиб аниқланади ва қуйидаги кўринишга эга:

$$q_\phi = K_1 \frac{C_1(t - t_H) + \alpha q t}{\alpha q t} \quad (15)$$

Сув ташлаш қудуғи орқали олиб чиқиб кетиладиган сув сарфи (8) тенгламадан (11) ва (15) ҳисобга олиб аниқланади:

$$q_0 = (1 - \alpha)q - \varepsilon - K_1 \frac{H_0 + \alpha q t}{\alpha q t} \quad (16)$$

Иншоотдан фойдаланиш оралиғи (4) дан аниқланади. Дренаж ёрдамида тутиб қолинадиган солишишима сув сарфи  $q_{dp}$  қуидаги формуладан аниқланади:

$$q_{\partial p(\phi)} = k_1 \frac{z_1^2}{2\ell} = \frac{k_1 z_1^2}{2\beta t} = \frac{k_1 (\alpha q)^2 t}{2\beta} \quad (17)$$

ушбу миқдор дренани 1погон метри узунлигидаги сарфни ярми. Дренани бутун узунлиги  $L$  даги фосфогипс қатламидағи умумий сарфи қуидагини ташкил қиласы:

$$Q_{\partial p(\phi)} = q_{\partial p(\phi)} \cdot L = \frac{k_1 z_1^2}{\beta t} \cdot L = \frac{k_1 (\alpha q)^2 t}{\beta} \cdot L \quad (18)$$

Лентасимон дренажни «п» йўли орқали фосфогипс қатламидан йифилаётган сарф алоҳида дрена узунлигидаги сарфларни йиғиндисини ташкил қиласы:

$$\sum_{i=1}^n Q_{\partial p(\phi)i} = \sum_{i=1}^n 2q_{\partial p(\phi)i} L_i = \sum_{i=1}^n \frac{k_1 (\alpha q_i)^2 t}{\beta_i} \cdot L_i \quad (19)$$

Химоя қатлами мавжуд бўлганда, у ҳолда қалинлиги  $m$ , фильтрация коэффициенти  $K_0$ , ғоваклиги  $n_0$  бўлган химоя қатлами орқали йифиладиган фильтрация оқими миқдорини аниқлаш керак бўлади. Дренани 1 погон метр узунлигига тўғри келадиган солишишима сарф миқдори қуидаги формула орқали аниқланади:

$$q_{\partial p(3)} = \frac{k_0 m^2}{2\ell} = \frac{k_0 m}{2} \left\{ \frac{k_0}{2q_\phi} \left[ 1 - \exp \left( \frac{6q_\phi t}{n_0 m} \right) \right] \right\}^{-\frac{1}{2}} \quad (20)$$

Химоя қатламидан дренани бутун узунлиги бўйича йифилаётган умумий сарф қуидагини ташкил қиласы:

$$Q_{\partial p(3)} = 2q_{\partial p(3)} \cdot L = k_0 m \left\{ \frac{k_0}{2q_\phi} \left[ 1 - \exp \left( -\frac{6q_\phi t}{n_0 m} \right) \right] \right\}^{-\frac{1}{2}} \quad (21)$$

Лентасимон дренаж «п» йўли орқали химоя қатламидан олиб кетиладиган сарф миқдори қуидагича:

$$\sum_{i=1}^n Q_{\partial p(3)i} L_i = \sum_{i=1}^n 2q_{\partial p(3)} \cdot L_i \quad (22)$$

Фосфогипс ва химоя қатламидан олиб кетиладиган умумий сарф миқдори қуидагича аниқланади:

$$Q_{dp} = Q_{\partial p(\phi)} + Q_{\partial p(3)} \quad (23)$$

Солишишима сарф миқдори

$$q_{dp} = \frac{Q_{dp}}{S_i} \quad (24)$$

Сув ташлаш қудуғидаги солишишима сарф миқдори  $q_0$ ни шламхонани замини майдонига кўпайтириб сув ташлаш қудуғидан олиб кетилаётган умумий сарф  $Q_0$ ни аниқлаймиз. Дренаж ва қудуғ орқали ташланадиган сувларни йиғиндиси фосфор кислота ишлаб чиқаришдаги айланма сув таъминотида ишлатиладиган сувларни умумий миқдорини ташкил қиласы.

$$Q_{ob} = Q_{op} + Q_o \quad (25)$$

Юқоридаги барча боғланишлар  $z_1(t)$ ,  $h_0(t)$ ,  $q_\phi(t)$ ,  $q_o(t)$ ,  $q_{dp}(t)$  –қуйқа солишири мақориеттегі сарфи міндері  $q$  фільтрация коэффициенті  $K_1$ дан катта бўлган ҳолат учун аниқланган, яъни  $q > K_1$  бунда фосфогипс ғоваклари тўлиқ сувга тўйинган ҳолатдаги фільтрация юз беради. При  $q < K_1$  бўлганда оқимни узлуксизлик ҳолати бузилади. Бу ҳолатда сув тиндиригич ҳовуз ҳосил бўлмайди. Фільтрация оқими сарфини аниқлаш учун (8), (9) ва (10) тенгламага  $h_0=0$ ,  $q_0=0$  қўйиб ва (11) ҳисобга олиб қўйидагига эга бўламиз:

$$q_\phi = (1 - \alpha)q - \varepsilon \quad (26)$$

Агарда дренажни сув ўтказиш қобилияти дренажга тушаётган сув сарфидан кичик бўлса, у ҳолда фосфогипс қатламини сув босиши ҳолати юз беради ва вақт ўтиши билан ҳовузча ҳосил бўлади. Лекин бундай режим фосфогипс ғовакларини тўлиқ сув тўйинган ҳолатидаги юз берадиган ва тинган сувни сув ташлаш қурилмаси орқали олиб кетиладиган ҳолатга нисбатан яхши эмас.

Шламхонани дамба билан ўралган сиғими тўлганда, қўйқани узатиш тўхтатилади ва тиндиригич ҳовуздаги  $H_0$  чуқурликдаги сувни пасайиши юз беради. Сўнгра эркин намлик чегараси дренаж тизимиғача пасаяди. Пасайиш даврида фільтрация оқимини қўйидаги параметрлари аниқланади: ушбу ҳолатни давом этиш вақти, фільтрация орқали йўқотилидиган сув сарфи міндері, дренаж тизими сарфи, фосфогипс қатламини сувсизланиш муддати.

Пасайиш ва қуритиш параметрларини аниқлаш учун қўйидаги тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$q = \frac{dh_0}{dt} + q_\phi + \varepsilon, \quad \varepsilon = \varepsilon_u - \varepsilon_0 \quad (27)$$

$$q_\phi = K_1 \cdot \frac{h_0 + z_0}{z_0} \quad (28)$$

(27)ва (28) тенгламаларни ечимидан ҳовуздаги сувни пасайиш вақтини аниқлаймиз:

$$t_{cp} = \frac{z_0}{K_1} \ln \left( 1 + \frac{H_0}{A} \right), \quad A = z_0 \frac{K_1 + \varepsilon}{\varepsilon} \quad (29)$$

Дренани 1п.м. даги сув сарфини қўйидаги тенгламадан аниқлаймиз:

$$2q_{op(\phi)} = z_0 \sqrt{2K_1 q_\phi \left[ 1 - \exp \left( - \frac{6q_\phi t}{\mu_\phi z_0} \right) \right]} \quad (30)$$

